

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ЛОЙИХАЛАШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**С. Б. Қораев**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (PhD)

**С. Р. Абдалова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, ўқув жараёнида фойдаланиш муҳим бўлган инновацион педагогик технологиялар кабилар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** билим, кўникма, малака, таълим, тарбия, инновация, интеграция, педагогик технология, давлат таълим стандарти, ўқув дастури, тафаккур, муаммоли ўқитиш, мустақил фикрлаш, ижодий, ижтимоий, фаол, сиёсий, ташаббускор, тадбиркор, репродуктив, лойиҳалаш, моделлаштириш ва бошқалар.

### PROBLEMS OF ORGANIZATION, DESIGN AND MODELING OF THE LEARNING PROCESS AND WAYS TO OVERCOME THEM

#### ABSTRACT

This article discusses the problems of modern organization, design and modeling of the educational process and ways to overcome them, the tasks to be performed in this regard, innovative pedagogical technologies that are important to use in the educational process

**Keywords:** knowledge, skills, qualifications, education, upbringing, innovation, integration, pedagogical technology, state education standard, curriculum, thinking, problem-based learning, independent thinking, creative, social, active, political, enterprising, entrepreneurial, reproductive, design, modeling and others

## КИРИШ

Бугунги кунда Президентимизнинг қатор қарор ва фармонлари таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этишга йўналтирилган самарали ишларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ушбу қарор ва фармонлар ўқув жараёни сифатини янги босқичга кўтаришга, ўқувчиларнинг касб-ҳунар даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ ўқитишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида билимли ўқувчиларни тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутгани билан аҳамиятлидир. Уларда белгиланган қатор вазифаларнинг умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари томонидан ўз вақтида бажарилиши келажакда албатта таълим сифати ва самарадорлигини ошишига, билимли ўқувчиларни тайёрлашга хизмат қилади [1, 2, 3].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу ҳужжатлар республикамиз мактабларида таълимни ривожлантиришнинг шакл ва мазмунини такомиллаштириш заруриятини тақозо этади. Уларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахс-комил инсонни вояга етказишга, шу тариқа янги тафаккурга эга бўлган, мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланишига, мамалакатимизнинг кадр қимматини англайдиган, ҳаётда аниқ мақсадда бўлган инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Шундай экан, ҳозирда ўқув жараёнини замонавий ташкил этмай туриб, лойиҳаламай ва моделлаштирмай туриб, бундай мақсадга эришиш мумкин эмаслигини педагогик тажрибаларнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Чунки, фақат лойиҳалаш ва моделлаштиришга йўналтирилган ўқув жараёни натижасида шаклланган шахсина давлат ва ўз келажаги учун замин тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Бу борада умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг аксариятида касбий тайёргарлигидаги қатор камчиликлар, жумладан, замонавий билим, кўникма ва малакаларининг етарли эмаслиги, ўқув жараёнида яқка ҳоким эканлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабат мажбурий итоаткорликка асосланганлиги, ўқувчиларнинг билиш фаолияти эса билим ва

кўникмаларни репродуктив даражада ўзлаштиришга қаратилганлиги, улар фаолияти мустақил фикрлашга йўналтирилмаётганлиги каби муаммоларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва ўқитувчиларнинг юқорида қайд этилган камчиликларини бартараф этиш учун:

- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ижобий муносабатларни ривожлантириш;

- ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан уйғун равишда фойдаланиш орқали ўқитиш самарадорлигига эришиш;

- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятни шакллантириш;

- уларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишда индивидуал-инновацион ёндашувнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Бу вазифаларни самарали амалга ошириш ўқитувчининг касбий ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Шундай экан, ҳозирда мактабларда илмий-методик талабларга жавоб берадиган, истиқболли вазифаларни амалга оширишга қодир, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган ўқитувчилар фаолият кўрсатишлари лозим.

Шу билан бир каторда: таълим турлари ўртасида ўзаро интеграциянинг йўқлиги; ўқитувчининг илмий ва методик тайёргарлиги пастлиги; уларда ижодий ва ижтимоий фаоллик етарли эмаслиги; ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан ўз ўрнида фойдалана олмаслик каби муаммолар мавжуд. Асосий муаммо ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида бу жараённи лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш, педагогик технологиялардан фойдаланишнинг методик асосларини белгилаш ва бу жараён мазмуни, методи, восита ва шаклларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш асосида замонавий, мустақил, ташаббускор, тадбиркор, ижодкор ёшларни етиштириб чиқаришдан иборат.

Республикамиз етакчи олимлари томонидан таълим тизимини такомиллаштириш, ўтилаётган дарслар сифатини яхшилаш, мазмунини бойитиш ҳамда замонавий технологияларни қўллашга оид назарий ва амалий

аҳамиятга мансуб бўлган кўпгина илмий-услубий тадқиқотлар олиб борилган [4, 5].

Ўқув жараёнини бугунги кун талаблари асосида ташкил этилиши: ўқувчи ва ўқитувчининг ўқув жараёнида ўзаро муносабати ва ҳамкорлигига; ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини намоён қила олиши учун имконият яратилишига; ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлоди яратилишига; ўқув материалларининг ўқувчиларни мустақил фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатишга, уларда лойиҳалаш, моделлаштириш кўникмаларини шакллантиришга йўналганлигини таъминлашига; ҳар бир ўқувчининг индивидуал таълим олиш йўлини танлашига хизмат этиши лозим.

Маълумки, амалдаги ўқув жараёни асосан, монотон кўриниш касб этиб, ўқувчиларга репродуктив ҳамда фронтал тарзда билим бериш ва қисман шу билим асосида кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган жараён бўлиб келмоқда. Аслида эса, бу жараён уларнинг эркинлиги, имконият, эҳтиёжи, давлат, фан ва ишлаб чиқариш талабларига таянган ҳолда билим олиш, ўрганиш, олинган билимларни амалда синаб кўриш, лойиҳалаш, моделлаштириш, тажрибалар ўтказиш каби тарзда ташкил этилиши лозим.

Сўнгги йилларда дарсликлар ҳажми ниҳоятда кенгайиб кетганлиги, уларда такрорланишлар борлиги, режасида дарс соатлари меъёрдан ошганлигига бардам бериш, қолаверса, бу борадаги хориж илғор тажрибасини ўрганиш натижасида ўқув фанларини интеграциялаш ғояси пайдо бўлди. Бу соҳада П.Мусаев, П.Назарова, Р.Сафароваларнинг илмий ишларида ўзига хос қарашлар ёритилди [9].

Ҳозирда таълим муассасаларида муаммоли ўқитишдан фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг самарали йўлларида бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, муаммоли ўқитиш ўқувчиларда ижодий фаолият қобилиятини, эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантиришга, ахборотларни мустақил излашга қизиқиш уйғотади, фикрлашини фаоллаштиради, муаммоларни мустақил кўришга, уни шакллантиришга, ечиш йўллари топишга ва ҳал этишга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш, унинг мазмун ва моҳияти, ўқув жараёнини муаммоли ташкил этиш, дарс жараёнида муаммоли таълим масалалари, муаммоли вазиятни бошқариш йўллари, муаммоли вазият методи орқали ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўқув материалларининг муаммоли қўйилиши каби масалалар К.Т.Олимов, А.Б.Тураев, А.Бабанский, С.Н.Глазунов,

В.С.Идиатулин, И.А.Ильницкая, Л.М.Фридман кабилар томонидан ўрганилган [10].

Амалга оширилган ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш муаммоси таълим тизимида талаб даражасида ўрганилмаган. Шунинг учун бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади:

- ўқув жараёнига қўйилган талаблар асосида самарадорликни ошириш ва унга боғлиқ ҳолда мазкур жараённи ташкил этиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш;

- ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштиришга имкон берадиган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш орқали самарадорликка эришиш йўллари илмий-методик жиҳатдан асослаш, педагогик шарт-шароитларни яратиш, унинг мазмуни, восита, метод ва шакллари методик тизим сифатида ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

- ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштиришда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш, ҳозирги босқичдаги ва истикболдаги вазифаларини белгилаш.

Албатта бундай вазифаларни келажакда амалга ошириш ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш мазмуни ва методик тизимини ишлаб чиқишга ҳамда бу борада самарадорликка эришиш йўллари илмий-методик жиҳатдан асослашга, мактабларда мазкур жараённи такомиллаштиришнинг назарий-методик асослари ҳамда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари такомиллаштирилишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмлари такомиллаштириш йўллари кўрсатилганлиги келажакда ўқув дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш имконини беради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида аниқланган илмий ёндашувлар, ишлаб чиқилган тавсиялардан педагогика назарияси курсини

бойитиш, ўқув режаларини такомиллаштириш, дастур ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш, ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш имкониятларини аниқлаш, ўқув жараёнини қайта қуриш, ўқитувчининг касб маҳорати, педагогик билимини бойитиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари, уларга таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, ўқув жараёнида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари такомиллаштириб амалиётга жорий этиш, мазкур жараённи замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш мазмуни ва методик тизими яратиш албатта келажакда умумтаълим тизимида ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишга имкон яратади [6, 7, 8].

Бугунги кунда ўқув жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади:

- ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- ўқув жараёнининг таркибий қисмларини такомиллаштириш, уни ташкил этишнинг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;
- лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;
- ўқув жараёнининг дидактик ва ахборот таъминотини такомиллаштириш;
- ўқитувчилар салоҳиятини тубдан яхшилаш ва уларнинг касбий нуфузини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш ва бошқалар.

## ХУЛОСА

Юқорида қайд этилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун аввало, умумтаълим тизимида барча фанлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари бўлган ўқитиш тамойиллари ва қонуниятларини такомиллаштириш, бунинг учун республикамиз таълим соҳасидаги давлат сиёсатига оид асосий йўналишларни таҳлил қилиш лозим.

Бу борада таълим соҳасидаги ислохотларнинг муваффақияти мактабларда ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган лойиҳалаш ва моделлаштириш

механизмлари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш тамойилларига қанчалик мос келиши ва уларни амалиётга жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлиқ.

## REFERENCES

1. Barakaevich, K. S. (2020). Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(1).
2. Qoraev, S. (2016). Specific features of interdisciplinary coherence and interoperability. "Education, Science and Innovation," 2 (2), 45-50.
3. Қораев, С. (2016). Фанлараро узвийлик ва узаро алоқани таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари. "Таълим, фан ва инновация", 2(2), 45- 50.
4. Elmurzaeva, N. K., & Qorayev, S. B. (2021). Pedagogical Requirements for the Organization of the Educational Process in Specialized State Educational Institutions. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1078-1084.
5. Қораев, С. Б. (2020). Професионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1281-1286.
6. Barakayevich, Q. S., & Baxtiyorovna, A. S. (2021). Xalqaro dastur talabalari asosida innovatsion ta'lim muhitini yaratish. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 1(02), 132-137.
7. Adbujalilova, S. A., & Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, (4).
8. Караев, С. Б. (2018). Современные пути совершенствования учебнопроизводственных комплексов, специализированных на профессиональной подготовке учащихся. In *Психология и педагогика на современном этапе* (pp. 30-36).
9. Қораев, С. Б., & Жолдасов, И. С. (2021). Касб-хунар мактаблари фаолиятини амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш орқали такомиллаштириш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
10. Tilakova, M., & Qoraev, S. (2020). Recommendations for students 'creative ability development. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 184-189.
11. Abdujalilova, S. A., & Qorayev, S. B. (2020). The Role Of Pedagogical Technologies In The Formation Of Students' Scientific Outlook. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.

12. Тилакова, М., & Қораев, С. (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 184-189.
13. Қораев, С. Б. (2016). Фанларни ўқитишда табақалаштирилган таълим технологиясини жорий этиш масалалари. Таълим технологиялари, 2, 45-50
14. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinf o'qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. academic research in educational sciences, 2(4), 149-153.
15. Qorayev, S. B., & Allayorova, S. B. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturi tizimiga tayyorlash jarayonini takomillashtirish masalalari. Academic research in educational sciences, 2(2), 443-448.
16. Қораев, С. Б. (2018). Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг долзарблиги. Таълим, фан ва инновация , 4, 28-31.
17. Мухамедов, Г. И., & Қораев, С. Б. (2019). Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуа машғулотларини олиб боришда педагогмухандисларнинг касбий функцияларини ошириш тамойиллари. Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў, 2, 71-74.
18. Қораев, С. Б. (2020). Профессional таълимда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари. Узлуксиз таълим, 1, 88-92.
19. Қораев, С. Б. (2021). Профессional таълимда касбий амалий машғулотлар мазмуни ва уни такомиллаштириш йўллари. Academic research in educational sciences, 2(4), 1573-1581.
20. Курбонова, М., & Қораев, С. (2020). Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 795-801.
21. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillarI. Academic research in educational sciences 2(CSPI conference 1), 1492-1496.
22. Janbayeva, M. S. & Qorayev, S. B. (2021). Modern principles of organization of extracurricular activities in primary schools. Экономика и социум, 5-2, 837-843.
23. Адбужалилова, Ш. А. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 813-823.
24. Abdusalilova, S., Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 813-823.